

Кандай кўркинчли онлар!... Уйгонганингизда хона эшигининг шараклаб ёпилаётган товуши, кўзга кўринмас кандайдир шарпаларнинг хонадан-хонага жуфт-жуфт бўлишиб юрган товушлари, кимнидир зинадан хонангиз томон кўтарилаётган товуши ва эшикнинг аста очилиши ... этингиз беихтиёр жунжикиб кетиши табиий!

- Биз бу ердан тезда кўчишимиз керак,- дея кўрпага бурканганча шивирлади аёл эрига.
- Эх, ахир бу ерда бизнинг кимматбахо буюмларимиз, дастгохларимиз бор-ку, - деди эри.
- Улар чордоқда! – дея шивирлади аёл.

- Бундай шарпалар богимизда ҳам бор, - пичирлаб кўшимча килди эр ҳам.

- Жим!!! Акс холда биз уларни уйготиб юборишимиз мумкин.

- Вахоланки, сиз бизни уйготмаган эдингиз. Эх, Йўк! Улар бир нимани кидиришмоқда.

Мана улар пардани тортиклаб кўтармоқдалар! Бири китоб сахифаларини вараклаб ниманидир кидирар эди. “Хозир улар уни топиб олишади. Бу аник !”

Дафтар узра ёзиб турган калам бирдан Ўзидан-Ўзи тўхтаб колди. Афтидан, арвохлардан бири Ўқишдан чарчади шекилли, китоб аста ёпилиб кўринмас шарпаинг кўзгалган товуши эшитилди. Уй ичи бўм-бўш, уй эгаларидан ташкари ҳеч зог кўринмас, бироқ уй эшикларининг очилиб-ёпилган товуши, ёғоч тортмалар ичидаги нарсаларнинг шараклаши ҳамда ферма томондан келаётган янчиш машинасининг гувиллаган овози – буларнинг бари бир-бирига айкашиб дахшатли бир манзара ҳосил киларди.

- “Мен Ўзи нима учун келувдим бу ерга? Нимани кидирмокчиман Ўзи?” Кўларим бўш эди. Эхтимол, у юкоридадир. Олма дарахти шохлари буралиб чордоқка бўйлашиб ётибди.

Олмалар ерга тўкилиб туша бошлади. Майса устида ястаниб ётган бир китобни ҳисобга олмаганда, факат боггина хар доимги холатида эди.

Шарпалар уни кидириб яна пардали хонага киришди. Уларни ҳеч ким кўролмасди.

Дераза ойналари бог ичидаги олмаларни, майсаларни Ўзида кўзгудек акс эттирар эди.

Майса устида тўкилиб ётган япроқлар яшил тусда эди. Вожаб, шарпалар бог кўйнидан сиргалиб хона ичига кириб келишганларида япроқлар сарик тусга Ўзгариб қолишди. Бир фурсатдан кейин хона эшиги аста очилди. Уй поли узра шарпалар кўлкаси ёйилиб, деворий суратлар, шифт устидаги кандил шокилалари силкиниб кетди, - Бу нима бўлди экан? Менинг кўлларим бўш эди.

Ел сояси гилам узра учиб ўтди. Тортмалар ичидаги кимматбахо буюмлар яна шараклай бошлади. “Сейф”, “Сейф”, “Сейф”, “Сизнинг хонангизда хазина кўмилган!”- деган кўркинчли товуш хона ичра жаранглаб кетди.

Товуш ҳам охиста тўхтади. Ох, бу Ўша кўмилган хазинами?

Бир фурсатдан кейин чирок ҳам ўчиб колди. Богнинг ичи нима бўлдийкин? Куёш шульясини дарахтларнинг куюк кўлкаси беркита бошлади. Ёгдулик ўрнини салкинлик кўланкаси эгаллади. Мен доимо мана шу шиша ортидаги кўмилган хазинани излайман. Бу шишада Ўлим бор! Ўлим бизнинг ёнгинамизда! Бирдан бу ховлида бундан юз йиллар бурун истикомат килган аёл арвохи пайдо бўлди. Хона ичи коронгулашди. У бу нарсани мерос килиб колдирганди. У бу нарсани шу аёлга мерос килиб колдирган эди. Шу пайт осмоннинг жанубий томонида юлдузлар чика бошлади. У бу ховлига шу нарсани топиш учун келганди. Нихоят у Ўзига керакли нарсани Зина остидан топгандай бўлди. “Сейф!”, “Сейф!”, “Сейф!”, деган кувнок, лекин дахшатли товуш ян хона бўйлаб кўркинчли тусда янграб кетди. “Сизнинг хазинангиз!”

Шамолнинг кўча бўйлаб вахимали ўқириги эшитилар, дарахтлар кадди камондай

букчайиб муттасил чайкалар эди. Шунга карамай, ёмгир аралаш бўронда ҳам ой нури ерга сутдай куюлиб турар, деразадан тушган ёгду эса ташки ховлини ёритолмай синар, хона ичидаги шам хали ҳам ёниб турарди. Ховли бўйлаб шарпаларнинг чарх уриб учаётган товушлари, дераза тиркишларидан эса “Бизни уйготманглар”, - деган кўркинчли овозлар ҳамда хунук шарпаларнинг жуфт-жуфт бўлиб кийкирган товушлари янграр эди.

- Биз шу ерда ухлаймиз, - деди аёл. Эри лукма ташлади: “Арвохларнинг навбатсиз бўсалари...”, “Тонгдаги сапчиб уйғонишлар...”, “Дарахтлар ортидаги кумуш буюмлар...”, “Оппок корга бурканган изгиринли киш...”, “Хона эшикларининг гийкиллаши ҳамда охиста тикиллаши юракларни беихтиёр така-пука килиб ташлайди.

Коридор бўйлаб келаётган шарпа бирдан эшик олдида тўхтаб колди. Улар келишмоқда! Улар шундоқкина эшик каршисида! Ташкарида шамол увиллар, ёмгир томчиларидан ер багирлаб тўпланган кўлмакчалар биллур шиша тўшалган каби кумушдай ялтирарди. кўзларимиз олди коронгулашди. Биз шундоқкина каршимизда кўринмас шарпанинг оёк товушлари эшитиб турардик. Бизнинг юзимизга аёллар киядиган енгсиз кенг кийим этаги тегиб турарди, бироқ кийим ичидаги одам кўринмасди. Эркак кўлидаги фонус билан юзини пана килди. –Уни кара!... – деди кўркувдан хансираб аёлига. Тирик одамнинг нафас товушни сезяпман. Унинг лабларининг тафти шундоқ юзимга урилиб турибди! Шундоқкина тепамизда кандайдир кўринмас шарпа букчайган холда кумушранг чирокчани ушлаб турарди. Уларнинг чуқур ва узун нафас олиши ва анчадан кейин узун-узун нафас чиқараётгани эшитилиб турарди. Шамол тўғридан ва охиста эса бошлади. Аланга ёлкини хиёл кийшайиб кетди. Шулға кўланкаси хона деворларига урилар, пол узра ёйилиб кўркинчли манзара хосил киларди. Шам ёгдуси бирдан догли ва хунук киёфали башараларни ёритиб юборди. Кўркинчли башаралар ухловчилар орасидан улар беркитган хурсандчиликни кидиришарди. Уй марказида “Сейф !”, “Сейф !”, “Сейф !”, - деган димоғдор товуш янгради. “ - Узок йиллардан бери, - деди шарпа хўрсиник аралаш товуш билан, - нихоят сизлар мени топдингиз. “ Улар шу ерда!...-деди аёл шивирлаб. Шарпаларнинг баъзилари мудрашмоқда, баъзилари богда ўкишмоқда, баъзиларининг хунук кийкириклари кулокка чалинади. Баъзилари чордоқдан олма улуктирмоқда. – Биз шу жойга хазина колдириб кетгандик. кўзларим олдида уларнинг ковоклари эгилиб туша бошлади. “Хазина!”, “Хазина !”, “Хазина!” - деган этни жунжиктирувчи ёввойи товуш сўнгги бор хона деворларига урилди. Уйгонинглар! Уйгонинглар! - дея кичкира бошладим. “ Ох мана бу ерда экан биз кўмган хазина! – бояги шарпа яқинлаша бошлади. “Хазина сизларнинг юрагингизда!”...

Инглиз тилидан Дилмурод Усмонов таржимаси